

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салохият, тафаккур ва маънавият асли сифатида инсоният олдида янги-янги уфклар очиш билан бирга биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни хам келтириб чикармокда. Бугунги мураккаб ва тахликали замонда ёзувчининг, башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, меҳр-окибат ва багрикенгликка даъват этишга каратилган хароратли сўзи хар качонгидан хам мухим ахамият касб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Инсон тафаккурининг янгиланишида, унинг онгига маълум бир гояни сингдиришда хеч кайси соҳа адабиётчалик курбат ва имкониятга эга эмас. Шу нуктаи назардан Караганда, янги XXI аср инсон тафаккури тараккиётига, унинг тез ўсиши ва янгиланишига жиддий таъсир кўрсатди. Чунки адабиёт бадиий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясади. Бунинг учун ижод ахли эркин нафас олиш, хоҳлаган мавзусида калам тебратиш, истаган муаммосини кўтариш ва, албатта, кўнглига маъкул келадиган каҳрамон тимсоли оркали тасвирлаш хукукига эга бўлиши керак. Кариб чорак кам бир аср мобайнида когозда бору амалда бўлмаган бундай “эркинлик” адиларимиз тафаккурини тушовга солиб кўйганди. Мустакиллик туфайли бу тушов узилди. Адабиётга – сўз санъатига чинакам эркинлик берилди ва у конун асосида мустажкамлаб кўйилди. Натижада, адабиётда жуда катта ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Бунинг самараси тез орада аник кўзга ташланди, яъни, жадаллик билан ўсиб бораётган сиёсий-ижтимоий ва иктисодий тафаккурлар таъсирида адабий-бадиий тафаккур хам шаклланиб, улгайиш йўлига кирди. Дастреб, одамзоднинг иктисодий бўхронлар уммонидаги сузиш кийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, bemaksad кулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзини тийган адабиёт ахли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзууни жиддий ишлашга киришди. Бозор ва инсон такдири кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди.

Бозор муносабатлари ўз-ўзидан инсоннинг жамият, оила, жамоа, ўзга юрт ва одамлар ўртасидаги зиддият хамда алоказалар силсиласини хам юзага чикаради. Бундай вазиятда турмушини ўнглаш учун уринаётган шахс манфаати билан янгиланишга юз тутаётган жамият ва сиёsat манфаатлари ўртасида ўзаро тўкнашувлар вужудга келади. Улар ўз навбатида оиласи муносабатларга хам, ахлокий эврилишга хам, инсоннинг ёвузлик сари юз тутишига хам у ёки бу даражада таъсир ўтказмай колмайди. Хакикий санъаткорнинг вазифаси эса инсониятнинг келажагини таъминловчи умидбахш гояларни илгари суриш, улар дунёкарашида эзгулик, меҳр-окибат ва багрикенглик каби фазилатларни ифодалашга хизмат киладиган ибратли образларни яратишдан иборатдир. Бунинг учун ижодкорнинг эстетик идеали гоятда соглом, маънавий дунёкараши етук, халки ва Ватани олдида маъсулияти баркарор бўлиши керак.

Маълумки, роман, кисса, хикоя сингари эпик тур жанрларининг хар бири ўзига хос

талаблар ва конуниятлар асосида яратилади. Танланган мавзу кўлами, кўтарилиган муаммо юки, яратилган персонажлар микдоридан тортиб, шаклу шамойилигача катъий ўлчамга эга бўлган бу жанрлар хозир ўзлигини йўкотиб, коришик бир нарсага айлангандек тасаввур колдирмокда. Аввало, романда кўйилган муаммонинг юки гоятда залворли бўлиши талаб этилади. Вахоланки, хозир баъзи адиблар учун асарда романбоп муаммони кўтаришдан кўра, “роман” деган атама билан китоб чикариш мухимрок бўлиб колди. Кейинги йилларда “Янги аср авлоди” нашриёти айрим китобларни “XXI аср романи” деган ном билан чикара бошлиди, уларни ўкиб, кишида агар янги аср романлари шунака бўлса, хали хеч нарсага эришмапмиз, деган фикр уйгонади.

Бундан йигирма йил аввал жаҳон адабиётининг синчков билимдони, адабиётшунос Талъат Солихов (оллох раҳматига олган бўлсин) сухбатларидан бирида: “Назаримда, аср адабиётининг пойдеворида иккита мухим нарса бўлиши керак: бири – миллий анъана, адабиётимиз, санъатимиз соҳасидаги миллий анъана ва иккинчиси, жаҳон адабиётининг даражаси, жаҳон бадиий тафаккурининг даражаси ва жаҳон адабиётида эришилган тажриба. Ана шу нарсалар пойдевор асоси бўлади, пойдеворнинг пойдевори бўлади” (“ЎзАС”, 1.02.1991), деб орзу килганди. Дадил айтиш мумкинки, бугун ўзбек адабиёти кўп асрлар мобайнида шаклланган миллий ўзига хослигини тўла саклаган холда, жаҳон адабиёти таркибига кўшилиш йўлларини излаб топиш имкониятига эга бўлди. Аслида, хар кандай халк адабиёти баркамоллик чўккисига, аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига катъий риоя килиши, уларга хурмат билан караши оркали эришади. Бизда эса бундай анъаналарнинг туганмас хазинаси мавжуд. Ўлмас халк оғзаки ижоди, бой ёзма адабиётимиз, ранг-баранг ахлокий кадриятларимиз ва миллий урф-одатларимиз “пойдеворнинг пойдевори” борлигидан далолат беради.

Дарҳакикат, ўтган йигирма йиллик адабий хирмонимизга бир кур назар ташласак, буюк Шарқ адабиётининг миллий анъаналарини бойитган холда, жаҳон бадиий тафаккури даражаси билан бемалол бўйлаша оладиган талай асарлар дунёга келганига гувоҳ бўламиз. Омон Мухтор, Мухаммад Али, Асад Дилмурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улугбек Хамдам, Тилаволди Жўраев сингари адибларнинг асарлари тўлаконли миллий руҳи ва жаҳон адабиётида мавжуд энг янги бадиий усусларнинг табиий уйгунлашуви туфайли чинакам ўкувчилик мухаббатига сазовор бўлди. Шу билан бирга, бу даврда юки енгил, шиширилган шардек хавои кисса ва романлар хам вужудга келди, бу адабиётшунос Талъат Солиховнинг орзуси тўла амалга ошмаганини, XXI асрнинг дастлабки ўн йили ўтиб бораётган бўлса-да, жаҳон бадиий тафаккури даражасига олиб чикувчи “пойдевор” хали мукаммал битмаганлигини кўрсатиб турибди.

### **Галвир сувдан кўтарилса...**

Маълумки, бозор иктисодиёти шароитида яшаётган инсон тафаккурида бойлика эришиш истаги хал килувчи ўрин тутади. Бу ходиса бадиий адабиёт олдига хам мухим вазифаларни кўймокда. Энг аввало, қаҳрамон концепциясини янгилаш талаб этиларди. Шу пайтгача яратилган персонажлардан фаркли ўларок, энди бозор муносабати шароитида шакланаётган одамлар характеристини яратиш зарур эди. Кандай бўлмасин, бойлик орттиришга уринаётган, бу йўлда хар кандай кабиҳлик ва разилликдан тафт тортмайдиган, ўз уринишининг окибатини ўйламай кадам босиши натижасида фожиага

учраган кишилар тоифаси пайдо бўлди. Айни чогда, бозор талабларига мослашиб, бугунги топганига шукур килиб, оиласи ва келажагини таъминлаётган одамлар хам бор. Хаёт ижод ахли олдига ана шундай каҳрамонлар галареясини яратиш вазифасини кўя бошлади. Бундай мураккаб масалани тасвирлашда етарли тажриба тўпламаган адиблар зиммасида бозор одамининг сурати ва сийратини кандай усуулларда исфодалаш кийинчиликлари пайдо бўлди. Натижада хам гоявий, хам бадиий, хам услубий томондан турли савиядаги асарлар яратилди. Дастребаки пайтда бозор иктиносидиёти шароити кийинчиликлари туфайли хаётнинг олдинги сафига чиккан айрим мафияларнинг ўзаро кураши, ўғирлик, жиноятчилик, фохишабозлик сингари иллатларни акс эттиришга ружу кўйилди. Бу билан муаллифлар ўкувчи оммасини огохликка чакирмокчи бўлдилар. Аммо, бу эзгу ният ёзувчилар томонидан бадиий жихатдан етарли даражада исботлаб берилмаганлиги окибатида акс таъсир кила бошлади.

Бинобарин, бозор муносабатлари инсонни саралайди. Бу саралаш хар доим хам ижобий натижалар беравермаслиги мумкин. Унинг хам ўзига яраша талаблари, шартлари, кийинчиликлари мавжуд. Унга мослашолмаган одам чикитга айланади. XXI асрнинг дастребаки ўн йилида яратилган насрий асарларнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, уларда ана шу жараёнда эзгулик ва ёвузлик кутбларига ажралаётган одамлар образи дунёга келди. Бундай каҳрамонлар орасида, айникса, аёллар характерининг ўзига хос талкини мухим ахамият касб этмоқда. Чунки бозор иктиносидиёти бошкаруви шакланаётган пайтда, аёллар фаоллик кўрсата бошлагани хам сир эмас.

Шу жихатдан Тохир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улугбек Хамдам, Тилаволди Жўраев, Абдукаюм Йўлдош, Саломат Вафо, Зулфия Куролбой кизи сингари истеъдодли адиблар томонидан яратилган бозор ва инсон тақдирига багишлиланган бадиий жихатдан юксак, гоявий томондан етук кисса ва романлардаги персонажлар характерлидир. Бундай каҳрамонлар тимсолида бозор муносабатлари шароитида тўгри йўл тополмай адашган, миллий ўзлигидан жудо бўлган, баъзан ўз ихтиёри билан ёки мажбуран ахлокий бузуклик йўлига кирган шахсларнинг фожиали кисмати ўкувчига ибрат килиб кўрсатилди.

Албатта, ёзувчи ўзи тасвирлаётган мавзу ва муаммога мослаб танлаган шахс “мен”ининг манфаатлари, хоҳиш-истаги, ана шу шахсий манфаат индивидуаллигидан келиб чикадиган эҳтиросларининг тўпорилиги, вактинча ёки доимиийлиги билан хам хисоблашишга мажбур. Агар бу холат меъёрида тасвирланмас экан, шахс “мен”и бора-бора хиралашиб колиши, асарда жонли образ эмас, шунчаки силуэт яратилиши мумкин, холос. Аслида, инсон оний лахзаларда жунбишга келган эҳтирослар тугёни совугандан кейин ўзини беихтиёр тафтиш килади. Чунки эҳтироснинг тийиксиз ва бемаъни таъсири унинг онгига ўтгач, шахснинг ўзида яхшими, ёмонми – муносабат пайдо бўлади. Энди у эҳтирослари жунбишга келган онда мулоҳаза юритишга улгурмаган майл ва интилишлари хакида мушоҳада кила бошлайди, уларни таккослайди, хулоса чикиришга уринади. Хакикий санъаткор бу жараённи иложи борича ростгўйлик билан табиий йўсинда, энг мухими, миллий ўзига хосликка катъий амал килган холда тасвирлашга масъулдир.

Шу маънода, бозор муносабатлари хакикий санъаткорларни хам саралашга киришди.

Чинакам ёзувчи бозор мавзусини ёритишдан олдин чукур ўйга ботди, хаёт, ўкувчи, жамият ва эл-юрт олдидаги масъулиятини теран хис килди. Айни чогда бозор ёзувчиси ва бозорбоп адабиёт пайдо бўлди. Профессионал маҳоратга эга бўлмаган бозорчи ижодкорлар ўйлаб-нетиб ўтирамай, нукул олди-кочди, ур-йикит, фохишабозлик, ўирлик, жиноятчилик хакидаги асарларни калаштириб ташладилар. Тўгри, бозор факат бойлик манбаи эмас, айни чогда, у тубанлик, пасткашлик, ахлоксизлик, ёлгончилик, ўирлик, юлгичлик макони хамдир. Унинг бу иллатларидан кўз юмиш бир ёкламаликка олиб келади. Бирок, бозор воситасида нукул ахлоксизлик, жиноятчилик, севгишурушилик каби ўткинчи ходисаларни эҳтирос билан тасвиrlашга уриниш адабиётнинг тарбиявий вазифасини тан олмасликдан бошка нарса эмас.

Шуни унутмаслик керакки, хар кандай бадиий асарда яратилажак образ, аввало, ёзувчининг кишиларга ва хаётга муносабатини акс эттириш воситаси хисобланади. Айни чогда, у муаллифнинг хаёт ходисаларига берган эстетик баҳоси хамдир. Хар бир персонаж ўзида ёзувчининг эстетик идеалини у ёки бу даражада тажассум этади. Бу вазифани бажариш учун ўша образ муайян ижтимоий шароитда, руҳий-маънавий мухитда харакатланиши зарур. Бу табиий равишда рўй бериши керак. Мабодо, санъат асарида муаллиф хаётдаги мавжуд нарсаларга, воеа-ходисалар ва одамлар тақдирига факат сунъий, расмий таклид килиш максади билан ёндошса, бу бадиий асар эмас, балки маҳорат билан ясалган нарсалар мажмуасидангина иборат бўлиб колади. Бундай сунъийликдан холи бўлиш учун санъаткорнинг эстетик тафаккури аник ва баркарор бўлмоги шарт. Биз тахлил доирасига тортган асарларга шу нуктаи назардан мурожаат килсак, адибларнинг эстетик идеали турлича савияда эканлиги аён бўлади. Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, мазкур асарлар гоявий-бадиийлиги билан хам бир-биридан фарқ киладилар.

Масалан, Зулфия Куролбой кизининг “Армон асираси”, “Машаккатлар гирдоби”, Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирғанлари”, Хабиб Темировнинг “Касос ва мухабbat”, “Кора каср асираси”, “Макрми ё мухабbat?” каби асарлари бевосита бозор муносабатлари авжига чиккан шароитда шаклланган, тафаккури уйгонган, ўзлигини англаған ва англай олмаган одамлар тоифаси хакида хикоя килади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, хар бир адиб танланган мавзу ва муаммога ўз эстетик дунёкараши ва идеали нуктаи назаридан ёндошади. Бу асарларда бозор бошқаруви шароитида аёл шахсининг ўрни ва кисматига алоҳида эътибор берилган. “Армон асираси” романни қаҳрамонлари Насиба, Хулкар Армон, Зухра, “Машаккатлар гирдоби”даги Наргиза, Санобар, Гулруҳ, “Оворанинг кўрган-кечирғанлари” асарида тасвиrlанган Салтанат, Малика, Максуда, “Касос ва мухабbat” деб номланган роман-дилогиясидаги Тўтиё, Лайло, Амалия, икки китобдан иборат “Кора каср асираси” ва “Макрми ё мухабbat?” номли севги киссаларидаги Афифа, Мехри, Максуда ва бошка эпизодик характердаги кўплаб персонажларнинг хар бири ўкувчида таассурот колдиради. Аввало, яратилган бу образларнинг хар бири катта-кичиклигидан катъий назар ўз гоявий-бадиий юкига эга эканлигини алоҳида кайд этиш зарур. Бирок, қаҳрамон мана шу юкни ёзувчи кўзлаган манзилга олиб бора олдими, ўз вазифасини кай даражада адо этди, деган савол билан ёндашадиган бўлсак, ижодкорларнинг бадиий савияси яккол намоён бўлади. Бунинг учун дастлаб Зулфия Куролбой кизи билан Саломат Вафонинг асарларига назар ташлайлик. Чунки бу адибалар аёллар табиатидаги фазилат ва

иллатларни теран тасвирлашга, уларнинг суратиу сийратини ўзига хос тарзда очишга уринганлар.

Зулфия Куролбой кизи давр манзарасини, бозор иктисадиёти кун тартибига кўяётган муаммоларни кенгрок камраб олишга уринади. Айрим фирибгарларнинг лоторея ўйини оркали бойиб кетаётгани, кун сайин кўпайиб бораётган хусусий газеталарнинг савияси, уларнинг сахифаларида эълон килинаётган енгил-елпи, олди-кочди ва ахлоксизликни таргиб килувчи маколалар одамлар хаётига салбий таъсир ўтказаётгани (Зухра образи мисолида), Хулкарнинг афсус-надоматли ўйлари оркали ўз ифодасини топган. Шуниси мухимки, ёзувчи яратган хар бир образ катта-кичиклигидан, мухим ёки номухимлигидан катъий назар ўзи мансуб бўлган табаканинг характерли хусусиятларини мужассам этиши билан ижодкор гоявий ниятининг аник ифодаланишига ёрдам беради. Аввало, ёзувчининг эстетик идеали мусаффолиги билан эътиборни тортади. У хамма нарсадан поклик, эзгулик унсурларини кидиради. Масалан, “Армон асираси” романидаги Насиба эри Донишнинг ўлимидан сўнг жинсий эҳтиёжни хаёлига мутлако келтирмаган холда кўпол ва безори кимса Талгатга аёллик меҳрини багишлаб, уни хам жисмоний хасталикдан, хам миясига ўрнашиб колган ёвузлик ниятидан халос этади. Эри ташлаб кетиб бева колган Хулкар Армон хам хаётда, хам ижодда покиза ахлокини намоён килади. Бу борада, ўзи намуна кўрсатибгина колмайди, балки “ёмон” йўлга кириб кетган Насиба ва Зухрани излаб топиб, танбех беради. Ёки “Машаккатлар гирдоби”га тушиб колган Гулрух ўзининг ташки гўзаллиги билангина эмас, балки ахлокий покизалиги, муомаласининг ширинлиги билан нафакат мардикорларнинг, айни чогда, бутун вужудидан “аллакандай ёвузлик хиди келади”ган Пўлат Дамировични хам, кўлини каёкка узатса етадиган бошлиқ Хаким Назаровични хам тиз чўқтиради. Бу аёллар ўзларининг ахлокий гўзаллиги билан ўзгалар ахлокининг ўзгаришига хам ижобий таъсир кўрсатадилар. Дарвоке, “Дунёни гўзаллик куткаради” деганларидек, асарда “эзгулик ва ёруглик фариштаси” сифатида намоён бўлган Гулрух ўз гўзаллиги, ахлокий покизалиги билан куллик ва охир-окибатда ўлимга маҳкум этилган кишиларни халокатдан куткаради.

Бинобарин, санъат асарининг бош максади азал-азалдан инсонга хос эҳтиросларнинг кандайлигидан катъий назар поклантиришга йўналтириш ва шу йўл билан кишиларни яхшиликка ўргатишдан иборат бўлиб келган. Файласуф Гегелнинг таъкидлашича, санъат инсоннинг ахлокий камолотини тарбиялаш учун, энг аввало, “дагалликни жиловлаши, эҳтиросларни маданийлаштириши керак”. Шу жихатдан Насиба, Хулкар Армон ва Гулрухларнинг характеристи ибратлидир. Насиба романнинг бошидан-охиригача бир дунё эҳтирослар курсовида яшайди. Ишга бормаётган “дангаса”, пул топиб келишга “нўнок”, оила рўзгорини эплолмаётган “ношуд” эри Донишга дастлаб кўрс, дагал, бетгачопарлик билан муомала килади. Эри вафот этгандан кейин эса бирданига мулойимлашади, унинг ўлимида ўзини айбдор деб билади. Эрига ўз вактида кўрсатолмаган меҳрини аёлларни кийнаб азоблашдан лаззатланадиган худбин Талгатга инъом этади. Эрининг руҳи олдидаги карздорлик хисси туфайли аёл табиатида пайдо бўлган кўркинч, андиша, раҳм-шафкат, хаяжон ва изтироб унга тинчлик бермайди. Бу хис-туйгулар бир-бири билан тинимсиз курашади. Натижада, Насиба бозорга хам чикмай кўяди, пул топишни, ўзи ва болалари кандай кун кечиришини ўйламайди. Хар куни Талгатни йўклаб боради, уни овкатлантиради, уйини тозалайди, кирини ювади. Насиба бу ишни бир беморнинг кўнглини олиш, унинг хаста тани ва руҳига бардамлик

багишилаш ниятида беминнат бажаради. Аёл ўзининг мана шундай покиза ахлокий гўзаллиги билан Талгат тафаккурида томир отган ёвузликни эзгулик сари йўналтиради.

Саломат Вафо хам Салтанат тимсоли оркали жамиятда вактинчалик урчиб кетаётган айrim масалаларни каламга олади. Шулардан бири кўшиклилик санъатининг жамият ва инсоният хаётидаги ўрнини аниклаш масаласидир. Гарчи адиба фикрини исботлаш учун кўшикчи аёл Ойзода Камол исмени бир неча бор тилга олса хам уни харакатга солмайди, Салтанатнинг тасаввурида колиб кетади. Салтанат ўкувчida умумлашма образ сифатида таассурот колдиради. У хам худди Хулкар сингари омадини синааб кўрмокчи бўлиб бозорга чикади. Бирок унинг бозордаги фаолияти Хулкарники сингари хайрли кечмайди. Чунки Салтанат мансуб бўлган бозорчи аёлларнинг биронтаси хам покиза эмас. Бу борада, аввало, Салтанатнинг ўзи “намуна” кўрсатади. У эрини кайтариш, оиласини мустахкамлаш хакида мутлако ўйламайди. Аксинча, унинг хаёлида умирида кўрмаган аллакандай Султонбек хакикий эркак тимсоли сифатида гавдаланаверади. Аббос Сулаймонов билан бемалол ишрат килади, у истамаса хам уйига бораверади. Бир марта дугонасиникида учрашган Махмуд исмли йигитга хам кўнгли суст кетади. Умумий ховлидаги ижара уйда кўшниси Дилдоранинг эри Мавлон билан сухбатлаша туриб: “Кани эди шу йигит эрим бўлиб колса”, деб ўйлашдан уялмайди. Бу каби енгилтаклигини ёзувчи қаҳрамони тилидан: “Бироннинг гамхўрлигидан ийиб кетардим, айникса, яхшиликни эркак киши киладиган бўлса”, деб исботлаб хам кўяди.

Бу адабанинг эстетик идеали у кадар тиник эмаслигини исботлайди. Ёзувчи Салтанат нигохи оркали атрофни кузатар экан, бирон-бир жойда ёргуликни, эзгулик ва яхшиликни кўрмайди. Хикоячи-қаҳрамон назарида бозор хам, вокзал хам тўс-тўполон, жирканч, жанжалнинг уяси. Кишлок эса хароба, ханузгача ўзгариш йўк. Салтанатнинг кишлок ва бу ерда яшаётган одамлар тўгрисида чикарган хulosалари нихоятда жўн ва бачкана. Масалан, у кишлок кутубхонасидан чикиб уйига кетаётганда шундай ўйлайди: “Атроф коронгилашган, кўчаларда одам камайган, камаймаган тақдирда хам кишлок кўчаларида чирок бўлмагани учун биронта одам мени танимасди. Худо унугланган элатда чирок хам белгиланган тартибда икки-уч соат ёнарди”. Шу тасвирнинг ўзи жуда катта мазмунни, кишлокнинг яхлит манзарасини, кийинчиликларни, одамларнинг турмуш тарзини аник ва жонли кўрсатиб турибди. Бу реал тасвирдан кейин ёзувчининг хикоячи-қаҳрамони тилидан “Одамлар орасида ривоятнома (аслида, “намо”, яъни, ўхшаш маъносини англатувчи кўшимча бўлиши керак – Й.С.) гап юрарди: “Чирок йўклиги учун кишлок одамларининг боласи кўп”, дея киноя тарзида изоҳ бериши баён юкини енгиллатиб, бачканалаштириб юборган.

“Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида тасвирланган аёллардан биргина Максуда опа имон-эътиқодли ва оиланинг, эрнинг кадрига етадиган аёл сифатида таассурот колдиради, холос. Асар воеалари силсиласидан яхшигина ўрин олган ва Салтанатга таъсири кучли бўлган кишлокдаги ўқитувчиси, колхоз раисининг ёлгиз кизи, гўзалликда танҳо Малика опа дастлаб тасвирланишича, “эркак зотига кайрилиб карамасди. Маъбудалардай магур эди”. Шундай аёлнинг хам кейинрок совунфурушлик билан шугулланадиган бозорчига айланиши, тирикчилик илинжида Кувончбой деган проводник билан “ўйнаш” тутиниши, йўл-ўйлакай учраган Хамид исмли таниши билан ўпишиб кўришиши, гоҳ кабобчига, гоҳ бошкасига кўзини сузиб, кошини учириб кулиб караши,

умуман, унинг бузуки йўлга кириши ўкувчида малоллик пайдо килади. Одатда, бадиий асарда хар бир қахрамон асар бошланишидаёк, ўз киёфаси ва генезиси, мустахкам эътигоди билан тугилиши шарт. Мабодо, асар воқеалари давомида унинг характерида ўзгаришлар юз берса, улар муаллиф-санъаткор томонидан бадиий жихатдан исботланиши талаб этилади. Назаримда, Малика тасвирида мана шу хакикат етишмаётгандек туюлади.

Шуларни ўйлаганимда, хаёлимда Саломат Вафо ва Хабиб Темиров асарларидаги персонажлар, айникса, аёллар нега катъиятли эмас? Нега бир-икки учрашувдаёк эркак кишининг хохиш-иродасига бўйсуниб, иффатини бой бериб кўяверадилар? Нега улар аёллик шаънини улугламайди? Нега улар иктисадий кийинчиликка бардош беролмай енгил-елпи йўлларни излайдилар? деган изтиробли саволлар пайдо бўлади ва уларга ижобий жавоб топгим келади. Аммо тополмай, охир-окибатда, бу ёзувчиларнинг эстетик идеали тиник эмаслигига ишончим хосил бўлади. Ёзувчи Саломат Вафо хикоячи-қахрамони Салтанат Махмудова нигохи билан нукул хаётдаги кора додларни, ахлокий бузукликни, ишончсизлик, алдамчилик, менсимаслик, инсонни ва унинг хак-хукукларини камситиш каби иллатларни кўради. Салтанатнинг тан олишича, унинг умри факат “йўлларда, аросат ва кувгинда” ўтди. У хеч кимдан яхшилик, меҳр-окибат кўрмайди, хамдардлик кўрсатганларга эса (масалан, Максуда опага) бўйин эгмайди. Унинг нуктаи назаридан карапса, бу дунёда, умуман, соглом, келишган, аклли одам хам, дурустрок нарса-буюм хам йўк. Хатто идеалидаги ошиги Султонбек телефонда хол-ахвол сўраганда хам унга йигитнинг “сўзлари самимийга ўхшамас, кандайдир баландпарвоз” гаплар бўлиб туюлади. Салтанатнинг ишонч билан айтишича: “Бугунги куннинг моҳияти: хеч кимга ишонмаслик, барчага шубха билан караш”дан иборатdir. Ваҳоланки, қахрамоннинг ўзи бирон марта хам: “Хўб, мен ўзим кимман? Нима киляпман?” деб ўйламайди. Салтанат ўзини-ўзи тахлил этиш кобилиятидан маҳрум образдек таассурот колдиради. У роман воқеалари тизимида кўшикчи-шоира, журналист, мардикор, фохиша, маҳбус, бозорчи, арокхўр, бемор каби турли киёфаларда кўринади-ю, бирок на оиласпарвар аёл, на болаларига меҳрибон она, на эрига вафодор хотин, на курашчи шахс сифатида намоён бўлмайди. Эҳтимол, шунинг учун хам уни имон рамзи бўлган Мадина тарқ этиб кетгандир?

“Адабиёт йўл бошига кўйилган кўзгудир”, деган эди ёзувчи Стендаль. Бу кўзгуда кандай киёфани кўрсатиш санъаткорнинг маҳоратига bogлиq. Кўзгуда аён бўладиган инсон киёфаси нечоглик ёкимли, нурли, тиник бўлса, унга караган одам кувонади, ўзини ўнглашга уринади. Аксинча, бадбашара, ахлоксиз, шаллаки ва бехаё бўлса, киши ундан жирканади. Ана шу кабул килишнинг икки усулидан кайси бирини танлаш ёзувчининг эстетик идеалини ёркин кўрсатувчи восита хисобланади. Зулфия Куролбой кизи ва Саломат Вафо яратган образлардан китобхон хам ибрат олади, хам жирканади.

## Муаммо ва ечим

Роман ёзувчидан узукнинг кичкина кўзига бутун бир оламни сигдира олиш ва уни турли рангларда акс эттира билишдек гоят мураккаб меҳнатни талаб килади. Роман ёзишга киришган ижодкор бир пайтнинг ўзида хам заргар, хам дурадгор, хам сангтарош, хам архитектор, хам синчи бўлиши керак. Адид бу касб эгаларига хос барча хусусиятларни

ўзида мужассам этмоги лозим. Токи, у яратган асарда заргарнинг зийраклиги, дурадгорнинг донолиги, сангтарошнинг сайкали, архитекторнинг акл-фаросати, синчининг саралаш туйгуси акс этиб турсин. Асарларни шу нуктаи назардан кўздан кечирсан, хозирги ўзбек насрининг баъзи ютук ва камчиликлари аён бўлади.

Романда, энг аввало, муаммо кўя билиш мухим ахамиятга эга. Роман эпик турнинг энг ийрик жанри бўлганлигидан унда кўтариладиган муаммо хар кандай замонда хам, шароитда хам долзарблиги ва замонавийлигини йўқотмаслиги керак. Хаёт инсоният олдига хар куни, хар соатда янги-янги муаммоларни кўндаланг киляпти. Бу муаммолар вазнига кўра енгил ёки залворли, кўламига караганда катта ёки кичик, ахамиятига кўра арзирли ёхуд арзимас, мохиятига нисбатан ўткинчи ёки доимий, йўналиши жихатидан умуминсоний ёки шахсий бўлиши мумкин. Гап унинг адиб томонидан танлай ва кай даражада ифодалай хамда жамият манфаатлари билан boglай олишидадир. Чунки инсон жамиятнинг бир винти экан, унга дахлдор муаммо, шубҳасиз, бошка механизмларнинг хам нормал харакатланишига таъсир кўрсатади. Шу нуктаи назардан биз тахлил доирасига тортган асарларнинг аксарияти кўйилган муаммонинг романик ахамиятга эгалиги, замонавийлиги ва гоятда долзарблиги билан ажралиб туради. Бирок, очигини айтганда, уларнинг ечими бир хил савияда эмас.

Нормурод Норкобиловнинг “Дашту далаларда”, Туроб Максуднинг “Илинж”, Жаббор Халилнинг “Довул” хамда “Тақдир бекатлари” сингари асарларида кенг маънода олганда, инсон ва табиат, инсон ва жамият, яхшилик ва ёмонлик каби адабиётнинг кўхна ва азалий муаммоларига мурожаат килинган. Албатта, бу муаммолар умумий характерга эга бўлиб, уларнинг хар бири ижодкордан заргарона зийраклик билан зарур кирраларини ажратиб олишни, синчилик салохияти билан ўкувчига маъкул томонларини аниклашни, архитекторлик аклини ишлатиб, нимани каерга ўрнатишни талаб килади. Бўлмаса, асар шиширилган шардек хавойи, танланган қаҳрамонлари эса муаллак бўлиб колиши хеч гап эмас.

Масалан, Нормурод Норкобилов инсон ва табиат муаммосини кўтарап экан, уларнинг бир-бирисиз яшолмаслигини, бир-бирини тўлдирадиган ягона вужуд эканлигини ифодалаш максадида, роман бошланишидаёк, ўкувчининг кўз ўнгидаги инсон табиат ва хайвонот оламидан иборат уч катламни намоён килади. Бу катламларнинг хар бири аник тимсоллар оркали гавдалантирилади. Инсон киёфасида табиатни тушунган, уни асраб колиш учун ўзини мастьул деб билган Эшкул полвон; табиат тимсолида кўм-кўк майсалар билан копланган киру адиrlар, бепоён дашту далалар; хайвонот оламидан бўри, тулки, итлардан тортиб, юмронкоziку курт-кумурскаларгача... Уларнинг хар бири муаммонинг маълум бир киррасини ечишга беминнат кўмаклашади. Ёзувчи бу уч катлам ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлигини хам теран тасвиrlашга эришган. Ёзувчи асарида тасвиrlangan инсон ўз “мен”ини йўқотмаган холда табиат билан очик мусоҳабага киришади. Албатта, бундай мусоҳабада ёзувчи табиатнинг инсондан кучли эканини эсдан чикармайди. Аммо, бу гояни асарига зўрлаб хам киритмайди, балки воkeалар силсиласидан табиий равишда сизиб чикишига эришади.

Туроб Максуд эса ўз романида эзгулик хар доим ёвузлик устидан голиб чикиши мукаррар эканлигига инсон кўнглида тугилган озгина илинж туйгуси хам асос бўлишини

ифодалашни максад килиб олган. Бу максадини бадиий жихатдан ифодалаш учун антика исм ва киёфага эга бўлган каҳрамони Хайбатнинг хаёт йўлини танлайди. Ота-онасининг кимлигини билмай, болалар уйида вояга етаётган Хайбатнинг мургак кўнглида кўйидаги илинжлар куртак ота бошлайди: биринчиси, меҳр илинжи. У дунёга келган кунданок инсон меҳрига муҳтоҷ бўлиб яшади, она кўксини эммади, илик кучогида эркаланиб ётмади, алла эшитмади. Болалар уйида гап эшитиб, калтакланиб, четга сурилиб ўсди. Шу меҳрдан униб чикадиган иккинчи илинж – аёл зотига мухабbat, уни асрash ва умрини узайтириш. Чунки у онам мени тугибок оламдан ўтган деб ўйларди. Шу сабаб ўкувчилик пайтидаёк унинг тарафини олган тенгдоши Донохонга бир умр каттик меҳр кўйди, уни унутмади ва унга интилиб яшади. Учинчиси, илмга интилиш илинжи; У инсоннинг умрини узайтириш йўлларини ўрганди. Устози академик Улуг Барака (кейин отаси бўлиб чиқди) илгари сурган ген масаласини ривожлантириб, фанда кашфиёт яратди, яъни, ўлган одамни хаётга кайтарди. Бу унинг тўртинчи илинжи эди.

Ёзувчи ўзининг илмий мантикка асосланган гоявий-бадиий ниятини турли тасвирий санъат әлементлари ва геометрик чизгилар ёрдамида баён килади. Улар оркали инсон организмида зурриётга тегишли эзгулик ва ёвузлик унсурлари мавжудлигига, уларнинг качондир, кимдадир пайдо бўлиши мумкинлигига эътиборни тортади. Бунинг ёркин мисоли Хайбатнинг ўзидир. Маълум бўлишича, Хайбат бутун умри ва илмий кобилиятини инсон генини аниклашга сарфлаган йирик олим Улуг Барака билан яна бир истеъододли олима Малика Ражабнинг никохсиз тугилган ўгиллари бўлиб чикади. Бирок улар ўртасидаги муносабатлар ўкувчини ишонтира оладиган даражада аниклик касб этмайди. Шу билан бирга инсон зурриётига оид муаммолар моҳиятини янада чукуррок ва ишонарлирок очиш учун ёзувчи биологик, зоологик хамда физиологик фанлар нуктаи назаридан ёндашуви, бундай кашфиётнинг илмий-фалсафий асосларини янада мукаммалрок ўрганиши зарурга ўхшайди.

Жаббор Халил хам ўз романлари марказига жамият ва инсон, зулм ва адолат, тазиик ва умид каби масалаларни кўяди. Жумладан, “Довул” романида XX аср бошларидан то янги асргача бўлган давр мобайнида шаклланган уч хил тузум – чор Русияси, шўролар хокимияти ва мустакиллик даврида яшаб, бахтсизликдан бахтга, кулликдан озодликка томон борган уч авлод тақдири ёритилади. Ана шу авлодлардан хар бирининг хаёти, яшаш тарзи, кураши ва интилишлари максадга мувофик равишда маҳсус бўлимларда баён килинади. “Окар дарёлар” деб номланган бўлимда биринчи авлод вакили Боёрнинг Шахрисабз беги томонидан ўн икки кишлокни ўз тасарруфига олган Сахват музофотига аминлик лавозимига тайинланишидан то ўлимигача бўлган давр камраб олинган. Ўтган асрнинг энг мураккаб 30-70 йиллар воеаларига ишора килинган “Дардли чўккилар” кисмida иккинчи авлод вакиллари Хамиджон, Ганижон, Саминжонларнинг хаётда ўз ўрнини топиш учун уринишлари, ўкиш ва ишдаги баъзи кийинчиликлар ифодаланади. Бу кисмда кўпроқ отаси Боёр аминнинг орзу-умидларини амалга ошириш ниятида кишлок хўжалиги мутахассиси бўлиб етишган Ганижон фаолияти асосий ўринни эгаллайди. “Интилиш” деб номланган учинчи бўлимда ана шу Ганижоннинг уч ўгли ўқитувчи Раҳмонали, колхоз раиси Шарифжон, дастлаб ўқитувчи, кейинроқ маҳсус ташкилот ходими бўлиб етишган Шавкатжонларнинг 70-90-йиллардаги хаёти, “пахта иши” окибатида тортган азоблари, мустакиллик эълон килиниши муносабати билан хамма нарсанинг ўз жойига тушиши, уларнинг дархол тадбиркорга айланиб кўплаб заводлар

куриши, бой-бадавлат бўлиб кетишлари, ота-боболари етишмаган орзуларга болаларнинг етишганлиги хакида хикоя килинади.

Бирок, романда зиддиятли воеалар, характерли тўкнашувлар жуда силлик кечади. Масалан, эндиғина 20-22 ёшга кирган Боёр аминлик лавозимиға тайинлангандан кейин барча хайрли ишларини осонгина амалга ошираверади. Вилоятни каттиқкўллик билан бошқариб турган рус ноиби унамаса хам, маблаг ажратмаса хам халк хашарини ташкил этиб, канал казийди, узумзор, мевазор бөвлар ташкил этади, одамларга саховат кўрсатади, камбагалларни кўллаб-кувватлади. Тўгри, ана шундай адолатли, меҳр-ошибатли мансабдор ота-боболаримиз тарихда бўлган, бирок уларга осон бўлмаган, ахир. Амин эса хеч кандай тўсикка учрамайди. Хатто уни аминликка тайинлаган Шахрисабз беги хам кейинрок воеалар силсиласидан бутунлай чикиб кетади.

Афсуски, кейинги авлод вакиллари хам ўз ниятларига етиш йўлида жиддий тўсикларга учрамайдилар. Вахоланки, русларга карши кураш олиб борган зотларнинг болаларига шўролар даврида осон бўлмаганлигига тарих гувохлик беради. Ушбу асарда кариб чорак кам бир асрлик мураккаб даврнинг чирсиллаб турган муаммоларини танлаб олиш ва аник образлар тимсоли оркали тасвирлаб бериш маҳорати етишмайди.

Худди шундай майда-чуйда масалалар атрофида ўралашиб колиш кусури “Такдир бекатлари” романи структурасига хам дахлдордир. Ёзувчининг бу романи хам воеаларнинг силлик ривожланиши, каҳрамони Жавлон Алиевнинг йўлида учраган тўсикларни осонгина енгиб ўтиши, кадам-бакадам муваффакиятга эришиши билан ўкувчини “лол” килади. Хар иккала романда хам муаллиф баёни курук ахборот, ечим эса гоят баландпарвоз публицистик оханг, хамду санолар билан тугайди. Тасвирда бадиийликдан кўра маколанавислик усули устун туради. Ёзувчидаги гоявий ниятини ифодалашга хизмат киладиган воеаларни саралаш маҳорати етишмаётганлиги сезилади.

Бадиий асарда воеанавислик энг жиддий кусурлардан бири саналади. Ёзувчи воеаларни бирин-кетин калаштириб ташлаш ва хиссиз баён килишдан эхтиёт бўлиши лозим. Чунки каҳрамон кўп воеалар юки остида колиб, муаллифнинг асосий гоявий ниятини ечимга кадар кўтариб кетолмай колади. С.Вафо, Ж.Халил, Х.Темиров, Н.Исмоилов, Н.Хошимов, М.Исмоилов каби ёзувчиларнинг асарларида ана шу кусур кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг устига улар яратган персонажлар кўпинча муаллифнинг карнайи бўлиб хизмат киладилар. Асар муаллифи нимани хохласа, шуни айтадилар, кандай ишни буюрса, ўшани бажарадилар ва охир-ошибатда ўзига хосликдан маҳрум бўладилар. Тўгри, асар учун танланган персонажлар одатда, ёзувчининг гоявий ниятини ўкувчига етказиш воситаси бўлиб хизмат килади. Бирок, чинакам ёзувчи ўз каҳрамонларини нима ишни бажаришга, кандай гапни гапиришга мажбур килиши кераклигини билиши нечоглик мухим бўлса, нималарни килиш ёки кандай сўзларни гапиришга мажбур этаолмаслигини билиши ундан хам мухимроқдир. Бадиийлик меъёри шуни талаб килади. Меъёрни хис килмай туриб хакикий санъаткор бўлиш мумкин эмас.

Унутмайликки, адабиёт хар доим поклик, гўзаллик, адолат, хакикат, имон ва эътиқод кўзгуси бўлиб келган ва шундай бўлиб колмоги лозим. Ёзувчи хар кандай разолат ва

кабохат, ифлослик ва имонсизлик, разиллик ва ахлоксизлик заминида ўзининг покиза эстетик идеалини илгари суришни унумаслиги шарт. Бусиз ўкувчини эзгулик руҳида тарбиялаб бўлмайди.

### Конфликтсизлик касри

Бадиий асарда инсон хаётининг мураккаблигини, жамият билан унинг манфаатлари ўртасидаги келишмовчиликлар, норасолик ва номутаносибликни реал тасвирилаш учун ёзувчидаги тугма истеъдод бўлишидан ташкари, менинг назаримда, буюк жасорат хам бўлиши шарт. Хозирги ёзувчиларнинг айримларида ана шу жасорат етишмаётгандек туюляпти. Вокеалар силсиласида зиддиятлар ўпконига чукуррок кириб бориш имкониятлари тугилган жараёнда муаллиф қахрамонини бундай гирдобга отишдан хайикаётгандек, ўзини эҳтиёт килаётгандек таассурот тугилмоқда. Қарама-каршиликлар таҳлилини чукурлаштириш ўрнига, енгил-елпи эпизодлар баёнига ўтиб, ундан четлашиш, вазиятни юмшатиш холлари юз беряпти. Бунинг окибатида, асар вокеалари тизимида заифлик, айтиш жоиз бўлса, жарлик, характерлар динамикасида сустлик пайдо бўляпти. Айрим асарларни мутолаа килиб, вокеаларнинг бир текис ва силлик кечётганини кўргач, хаёлимга ўтган асрнинг эллигинчи йилларида пайдо бўлган конфликтсизлик касаллиги кайталанмаяптими, деган хавотир келади.

Конфликт бадиий асар сюжети учун мотор вазифасини бажаради. Усиз сюжет механизми харакатга келмайди. Мабодо, узок сафарга чикилса-ю, ярим йўлда мотор ишламай колса ёки фаолияти сустлашса, киши кўзланган манзилига етиб боролмаганидек, асар конфлиktи вокеалар давомида бўшашса, ёзувчи хам гоявий ниятига етолмайди. Хар бир бадиий асар хам яхши маънода ўкувчи калбига ўюштирилган сафардир. Бу сафарда турли-туман ходисалар, яхши-ёмон одамлар, ўйдим-чукурлару кескин бурилишлар учраши табиий. Агар асар сюжети гоялар, карашлар, характерлар, гурухлар ўртасида рўй бераётган қарама-каршиликлар асосига курилмаса, бундай асар таъсирчан бўлмайди. Бинобарин, хаётий ҳакикатнинг аник ва изчил ифодаланиши зиддиятларнинг моҳияти ва ишонарлилиги билан ўлчанади. Айни чогда, инсон калбига юз бераётган тўкнашувлар хам ифодаланаётган муаммо ва характернинг янада ишонарлирок чикишига кўмаклашади. Кейинги йиллар насирида инсоннинг ички кечинмаларини жиддий қарама-каршиликлар асосида тасвирилашга эътибор берилаётгани бежиз эмас.

XXI аср бошида яратилган асарларга шу нуктаи назардан каралса, кўплаб маҳоратли адибларимиз конфликтнинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланиб, таъсирчан ва кизикарли сюжетлар асосига кураётганлигига ишонч хосил килиш мумкин. Айни чогда, сунъий хамда ишониб бўлмайдиган ўйдирма вокеалар тўкиб чиқарилаётган асарлар сирасига хам дуч келамиз. Баъзи адибларда зиддиятларни чукурлаштириш имконияти тугилганда хам уни ривожлантира олмаслик, тўкнашувларни енгил-елпи йўллар билан хал этиш, қахрамонларни оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтказишга уриниш кусури сезилади.

Шуларни ўйлаганимда, Нормурод Норкобилов, Туроб Максуд, Жаббор Халил, Зулфия Куролбой кизи, Саломат Вафо, Хабиб Темиров каби адибларнинг сюжет куриш ва

конфликт яратиш борасидаги ўзига хос ютук ва камчиликлари кўз ўнгимга келади. Бадиий асарда дастлаб воеаларни ривожлантиришга ёрдамлашадиган тугунни ўртага ташлаш мухим ахамият касб этади. Агар шу тугун асарнинг барча персонажларини, улар билан боғлик эпизодларни бирлаштириб, конфликтни ривожлантируса, воеелик сўнгига кадар тизгинни маҳкам ушлаб турла олса, асар композициясининг яхлитлиги таъминланган бўлади. Шу жихатдан ўкувчи илк сахифаданок “ўзи тунд ва хафсаласиз бир киёфада” юрган чехраси гамнок Тўланбой (“Дашту далаларда”); “хаяжонли, иккиланган бир холда ок когозга аллакандай шакллар чизаётган” Хайбат (“Илинж”); “Эшикдан кирган захоти чор атрофга турли майдадчудалар сочилган, жавон галадонлари очилиб кийимлар ивирсиб” ётганини кўриб “юраги шувиллаб” кетган Салтанат (“Оворанинг кўрган-кечирганлари”); бир неча кундан бери “калбига чирок ёкса ёришмай, ишлари хам юришмай” изтироб чекаётган Жавлон Алиев (“Такдир бекатлари”)лар билан учрашганида хаёлига дархол: “Нега?” деган савол урилади. Табиийки, бу савол уни асарни тезрок мутолаа килишга ундейди. Жавобни топгач, баъзиларидан коникади, баъзиларидан эса коникмайди.

Гарчи бошка асарларда сюжет тугуни бу кадар кескин тарзда кўйилмаса-да, воеалар марказида асосий ўрин эгаллаган персонажлар хаётидаги мухим ўзгариш, бунинг натижасида инсон кайфиятида пайдо бўлган кувонч ёки ташвишлардан хабар бергувчи диалоглардан бошланади. Масалан, Зулфия Куролбой кизининг “Армон асираси” романни эр-хотиннинг янги уйга кўчиб келишганидан нихоятда хурсандлиги, оиласда кўпдан бери бунака шодлик ва мўл дастурхонни кўрмаган болаларнинг шовкин-сурони, эртага бундан-да яхши яшаш хакидаги орзулари, “Машаккатлар гирдоби” асари эса аксинча, бош каҳрамон Давроннинг “Бир колипга тушиб колган хаётини бирданига бир юз саксон градусга ўзгартириб юборган” эр-хотин ўртасидаги можаро ва бунинг натижасида эрнинг уйдан бош олиб чикиб кетиши-ю, ўзини машаккатлар гирдобига отиши билан бошланади. Хабиб Темировнинг “Касос ва мухаббат” романининг биринчи китобида никоҳ кечаси келиннинг кочиб кетиши хакидаги хабардан воеиф бўламиз. Булар, шубҳасиз, ўкувчида кизикиш уйготади ва уни воеаларнинг давомини тезрок билиб олишга ундейди.

Албатта, бадиий асарда ташланган сюжет тугуни конфликтнинг кескинлашуви хамда муаммонинг ечимида мустахкам пайванд килингандагина асар макроструктураси яхлит холга келади. Шу жихатдан Караганда, Нормурод Норкобилов, Туроб Максуд кабиларнинг воееликка ижодий ёндашуви ибратлидир. Масалан, Тўланбойнинг дилгирилиги, киёфасининг тундлиги, Хайбатнинг хаяжонли холати, айни чогда, иккиланиб, когозга аллакандай мавхум шаклларни чизаётганлиги сюжет охиригача сир тутилади. Ёзувчилар баъзан ўкувчини бошка воеалар билан алаҳситиб, четга чикаётгандек туюлади. Аммо, бу чекинишлар бежиз бўлмай, улар каҳрамонларнинг сирли холатини тўлдиришга, янги тугунчалар хосил килишга ёрдам беради. Тўланбойнинг кўзи тасодифан копконга илинган тулкига тушгач, унинг терисини шилиб, азоблаб ўлдиришни ўйлади (худди аламини тулкидан олмокчидек). Хайбат эса “чукур хаёлга чўмган”ича “хона ўртасидаги диванда ётган” ок чойшабдаги гавдани очади. Унда гўзал бир киз ётарди. Муаллифлар томонидан киритилган бу кўшимча деталлар асосий тугун кўламини янада кенгайтиради, персонажлар киёфасига янги чизиклар тортади, ўкувчида кўшимча саволлар пайдо килади. Бу саволларига факат асар охиридагина

жавоб олади. Унгача китобхон калбидаги хаяжон ва кизикиш ошгандан-ошиб бораверади.

Хабиб Темировнинг роман-дилогиясида хам Русияга катнаб, осонгина бойиб кетган “янги ўзбек” Миртоҗининг ажабтовор саргузаштлари хикоя килинади. Роман чиндан хам саргузашт-детектив асарларга хос эпизод билан бошланади. Миртоҷибий кизи Лайлони ўзи сингари “янги ўзбек” бойларидан Колдибекнинг ўглига унаштириб, шахарнинг энг машхур хашаматли маданият саройида ўтказилаётган тўйда куёв-келинларни кутишмокда. Бир пайт, худди хинд кинофильмларида акс этганидек, тўйхона олдига “бир коп-кора “Нексия” елдек учиб келиб эшик олдида гийкиллаб тўхтади” да, “Ундан бўғрикиб, нафаси бўғилиб кетган куёв тушиб, отаси томонга чопди”. Маълум бўлишича, келин кочиб кетибди! Худди ўша фильмлардагидек бой кудалар бир-бирини юпатади, таскин беради ва... бир оздан сўнг тўй бинойидек давом этади. Орадан озгина ўтгач, “оппок харир либосли, юзига бежирим кашмири чачвон туттган келин” ва куёв кўлтиклишиб, тўйхонага кириб келадилар. Демак, хамма нарса жойида, келин топилибди-да! Аксинча, жойларига ўтиргач, куёв “кайлигига ўпкалаган тарзда ўгирилди ва унинг чачвонини охиста кўтарар экан... котиб колди. – Ие, – деди у сал бўлмаса йикилиб тушай деган ахволда. – Сиз... бошка-ку!” Келин эса уялиш, хижолат тортиш ўрнига хали бирон марта кўрмаган куёвига – “Жим! – деди таҳдидли овозда. – Жим ўтиринг! Мен ўшаман! Мен... кейин тушуниб оласиз”, дея пўписа килади. Кейин аникланишича, бу янги келин Миртоҗининг кичик кизи Шахло экан.

Кейинги воеалар бундан-да гаройиб! Лайло топилгач, уни опкочиб кетган Нозим билан келишиб тўй кунини белгилайдилар. Буни карангки, энди бу гал куёвтўра кочиб кетади! “Янги ўзбек” бойи Миртоҷи бу галги шармандаликдан хам осонгина кутилиш йўлини топади – ёрдамчиси Кўшокбойнинг югуриб-елиши туфайли бирпасда “ижарачи” куёвни олиб келади-да, келиннинг ёнига ўтказиб кўяди. Асар воеаларини бу каби янги эпизодлар билан бойитиш, аслида, конфликтнинг янада кескинлашувига, кўшимча тугунлар ва тўкнашувларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Шубҳасиз, ўкувчи хаёлида энди бу “янги келин-куёвлар”нинг хаёти кандай кечади? Ахир, улар Отабек билан Кумуш эмаски, бири: “Мен ўшаман...” деса, бошқасининг кўнгли жойига тушиб, енгил тин олса?! Айникса, ўзининг эндиғина етишган чинакам эри ўрнида бутунлай бошка эркакни кўрган Лайло кай ахволга тушди экан? Мабодо, ижарага олиб келинган бу “куёв” тўйдан кейин кетмасдан “шу менинг хотиним. Мана, хамма гувоҳ, ундан ажрашмайман” деб туриб олса, нима бўларди? Ахир, у кўли калта етимча, бирорларнинг эшигида ишлаб кунини ўтказиб юрган йигит экан-ку?! деган саволлар тугилади. Бирок, воеалар на биз, на қаҳрамонлар истаган йўналишда эмас, балки ёзувчининг хоҳиш-истагига кўра ривожланади. Персонажлар унинг амрига сўзсиз бўйсуниб харакат киладилар. Хамма нарса осонгина хал бўлади: Колдибекнинг ўгли “кейин тушуниб олади”, “ўша” келин билан тинчгина яшай бошлайди ва, умуман, воеалар силсиласидан чикиб кетади. Яхшики, “ижарагир” куёв Мардибий исми жисмига мос “мард” йигит экан, ролини муваффакият билан бажаргач, хизмат хакини хам олмай кетаверди.

Бу мулоҳазалар роман муаллифи бадиий адабиётнинг миллийлиги, характер мантики, воеалар хаётийлиги ва изчилиги каби мухим мезонларига етарли риоя килмаганлигини кўрсатади. Назаримда, Хабиб Темиров ўйлаб топилган бундай уйдирма воеалар билан ўкувчиси кўнглини олишни, персонажларнинг худди режиссёр топширигини бажаришга

мажбур бўлган актёрлар сингари кабул килишини хоҳлайди, шекилли. Аммо, режиссёр актёрлардан асаддаги қаҳрамон характери мантиқидан келиб чиккан холда роль ижро этишини талаб килса, роман муаллифи персонажларни ўзининг гоявий ниятига караб роль ўйнашларини талаб килмокда. Дарвоке, нутқда бадиийликдан кўра газета ахбороти, қурук баёнчилик хам асарнинг бутун мазмунини сусайтириб кўйгандек туюлади.

Хуллас, XXI аср мамлакатимизнинг иктисадий-сиёсий, ижтимоий-маданий хаётида янги сахифалар очганлиги аник-равшан кўриниб турибди. Бундай ривожланган юртда маънавий-маърифий жабханинг кўзгуси бўлмиш бадиий адабиётнинг умумий юксалишдан орта колиши ярашмайди. Бу оғир вазифани хал этишда ижод ахлининг масъулияти жуда катта. Бунинг учун адабиёт намояндадари халк ва жамият олдидаги масъулиятини чукур хис этмолклари зарур. Масъулиятни хис этиш эса кишининг онги, дунёкараши билан бөглиқ. Яратилажак “Бадиий асар, энг аввало, ёзувчи тафаккурининг мевасидир” (Чингиз Айтматов), буни чин дилдан хис килган хар бир адаб кўлига қалам ва когоз олишдан олдин ўз олдига: “Мен маънавий жихатдан юксалиб бораётган ҳалкимга, жаҳонга бўй чўзаётган ёш авлодга, ўзлигини англаб етган ўкувчимга нимани, кандай шаклда айтишим керак? Менинг сўзларим унинг келажагида кандай роль ўйнайди? Кўзлаган максадидан кайтармайдими? Танлаган тўгри йўлидан чалгитмайдими?” деган саволларни кўйиб, уларга масъулият билан жавоб изласа, максадга мувофик бўларди.

Бунинг учун ёзувчи хаётга некбин кўз ва ёник мухаббат билан қарамоги керак. Токи, унинг тафаккури хосили хисобланган бадиий асар хом-хатала ва таҳир мева сингари ҳаридорнинг иштаҳасини бўғмасин. Бундай вазиятга тушмаслиги учун ижодкор яратилажак асари устида тинимсиз меҳнат килиши, хаддан зиёд кўп тер тўкиши талаб этилади. Зоро, шошма-шошарлик адабиётга хеч качон наф келтирмаслигини, ҳакикий санъаткор учун кўп ёзишдан кўра, хўб ёзиш афзал эканлигини билиши шарт. Бунинг учун ҳакикий ижодкор ҳалкининг дарду гами билан яшashi, уни чукур хис килиши, хаёт қозонида кўпроқ кайнаши, кувончу ташвишларини одамлар билан баҳам кўриши, реал хаётда рўй берәётган ўзгаришлардан илхомланиши керак.

Йўлдош СОЛИЖНОВ,  
филология фанлари доктори

“Шарқ Юлдузи” журналидан